

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ҚАРОРИ

**Вилоятда давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан
фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳақининг 2016 йил учун энг
кам миқдордаги ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 186-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2015 йил 23 декабрдаги 440/01-14-сонли хати ижросини тъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бухоро вилоятида давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳақининг 2016 йил учун 1 кв. м. га энг кам миқдордаги ставкалари 1-иловага, бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқишида қўлланадиган худуд зоналари бўйича коэффициентлар 2-иловага ҳамда вилоятнинг олис худудларида жойлашган аҳоли пунктлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Вилоятнинг олис худудларида жойлашган аҳоли пунктларига давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳақининг 2016 йил учун белгиланган энг кам миқдоридан 25 фоизга камайтирилиши ҳамда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкасини белгилаш назарда тутилсан.

3. Давлат мулкини ижарага бериш маркази давлат унитар корхонаси (А.Пулатов) давлат мулкини ижарага бериш тўғрисидаги шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида расмийлаштириб, ижарага берилган давлат мулки тўғрисида маълумотлар тегишли равишда вилоят ҳокимлиги молия бошқармасига

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат қўмитасига тақдим этиб борилсин.

4. Вилоят ҳокимининг 2015 йил 6 январдаги “Вилоятда давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳақининг 2015 йил учун энг кам миқдордаги ставкаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 5-сонли қарори (4-бандидан ташқари) ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

5. Мазкур қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг buxoro.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ.Ғойиров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

М.Эсанов